

Sharof Rashidov nomidagi

SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

**BUYUK IRAK
YO‘LI
XAVARCHISI**

**ВЕСТНИК ВЕЛИКОГО
ШЕЛКОВОГО ПУТИ**

**Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy,
nazariy-uslubiy jurnal**

2023/2



Sharof Rashidov nomidagi SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

BUYUK IPAK YO'LI XABARCHISI,
THE GREAT SILK ROAD HERALD,
ВЕСТНИК ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ
Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy, nazariy-uslubiy jurnal

Jurnal 2022-yil 17-martda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va Ommaviy Kommunikatsiyalar Agentligi tomonidan № 1569 raqami bilan ro'ro'yxatga olingan

BOSH MUHARRIR	E.R.MUSURMANOV, f.f.d.
BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI	H.A.XUSHVAQTOV, f.m.f.d., professor
TAHRIR HAY'ATI:	
Rustam Ibragimovich XALMURADOV	- t.f.d., professor. Samarqand davlat universiteti rektori
Shuhrat Samariddinovich SIROJIDDINOV	- f.f.d., professor. Alisher Navoiy nomidagi Til va adabiyot universiteti rektori
Ibodulla Kamolovich MIRZAYEV	- f.f.d., professor. Samarqand Davlat universiteti
Kemal POLAT (Turkiye)	- Turkiya-Qirg'iziston Manas universiteti professori, fan doktori.
Гиниятулла Сафиуллович КУНАФИН (Rossiya)	- Boshqirdiston davlat universiteti professori. Bosh. FA muxbir a'zosi.
L.I. NEXVYADOVICH (Нехвядович Лариса Ивановна) (Rossiya)	San'at fanlari doktori, professor, gumanitar fanlar instituti direktori. Oltoy davlat universiteti.
J. A. AYMUXAMBET (Qozog'iston)	L.N.Gumilyov nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti professori, fan doktori.
Li ChENSYUY (Xitoy)	- Samarqand Konfutsiy instituti direktori
Ravinder GARGESH(Hindiston)	- f.f.d., professor. Samarqand davlat universiteti
X. XAYRULLAYEV	, - f.f.d professor. SamDCHTI
I. SULAYMONOV	- f.f.d., professor. Samarqand davlat universiteti
N. M. MUHIDDINOVA	- f.f.d., professor. Samarqand davlat universiteti
Sh. S. G'AFFOROV	- t.f.d., professor. Samarqand davlat universiteti
G.B. NORMURODOVA	- t.f.d., professor. Samarqand davlat universiteti
I.T. BOBOQULOV	- f.f.d., professor. O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti
D.B. URINBAYEVA	- f.f.d., professor. Samarqand viloyati tillarni PYMO'MM oqitish metodikasi kafedrasini mudiri
G. RAHIMOVA	- f.f.n., dotsent. O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti
R. A. SUVONOVA	- f.f.n., dotsent. Samarqand davlat universiteti
D. M. JO'RAQULOVA	- t.f.n., dotsent. Samarqand davlat universiteti
M. BOLTAYEV	- Samarqand davlat universiteti dotsenti

MUNDARIJA

1.	Usseilyu ALYM COGNITIVE AND ARTISTIC VALUE OF KAZAKH-TURKISH LAMENTATIONS	3
2.	Xurshidjon XAYRULLAYEV, Madina ZAYNIYEVA GLOBAL SINTAKTIK QURILMALARNI BUYUK IPAK YO'LI XALQLARI TILI MISOLIDA TADQIQ ETISH: METODOLOGIYA VA TILNI TADQIQ QILISH METODLARI HAQIDA	15
3.	Исмоил БАБАКУЛОВ, Умида НАРЗУЛЛАЕВА СЕМАНТИКА КАУЗАЦИЙ В СИСТЕМЕ СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ КАТЕГОРИЙ ГЛАГОЛОВ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ	29
4.	Akbarxon ASROROV XX ASR BOSHLARI "IPAK YO'LI" MUHITIDAGI SHANRISABZ MA'RIFATPARVARLIK ADABIYOTI	37
5.	Нодир РАҲМАТУЛЛАЕВ МИФОПОЭТИК ОЛАМ МАНЗАРАСИДА "УЙ" МИФОСИМВОЛИНИНГ ТАЛҚИНИ (Н. Эшонкул асарлари мисолида)	42
6.	Akrom TOSHPO'LATOV MIFOLOGIK TASVIR VA REAL HAQIQAT SINTEZI	49
7.	Маҳкамой ТУРСУНОВА, Гулбаҳор РАҲИМОВА АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ОНАСИ ҚАЙСИ МАЛИКАНИНГ КАНИЗИ БЎЛГАН?	62
8.	Роҳила СУВОНОВА .ОИЛА - МУҚАДДАС ҚЎРҒОН	72
9.	Sheraxon XASHIMOV O'ZBEKISTONDA MILLIY TURIZMNING RIVOJLANISHIDA BUYUK IPAK YO'LI AN'ANALARINING QAYTA TIKLANISHI	80
10.	Munira ABDURAXMONOVA, Umida MAMATOVA BOLALAR O'YINLARINING MUHIM XUSUSIYATLARI	87
11.	Firuz Rustamovna KADIROVA THE IMPORTANCE OF READING	95
12.	Эркин МУСУРМАНОВ САМАРҚАНД ҲУКМДОРИ - БАҲОДИР ЯЛАНГЎШ ОЛЧИННИНГ ҚАЙТА КАШФ ҚИЛИНИШИ	107
13.	Эркин МУСУРМАНОВ, Нурхон АЧИЛОВА НАВОЙИ ДАҲОСИНИНГ ЗАМОНАМИЗ КАШФИЁТЧИСИ	119
14.	Эркин МУСУРМАНОВ, Умида МАМАТОВА "АЛПОМИШ" ДОСТИНИНГ УЛУҒ ТАДҚИҚОТЧИСИ, ЭГАСИ ЭДИ	123

Устозлар ҳақидаги битиклар



НАВОИЙ ДАҲОСИНИНГ ЗАМОНАМИЗ КАШФИЁТЧИСИ

Таниқли навоийшунос ва манбашунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори — Шухрат Самариддинович Сирожиддиновнинг ўзбек адабиётшунослиги, манбашунослиги илмига қўшган ҳиссаси беқиёс. Ўзбекистоннинг қатор олийгоҳларида олиб борган раҳбарлик фаолиятлари, ўзлари яратган янги навоийшунослик илмий мактабининг давомчиларини етиштиришдаги хизматлари, сўзсиз, эътиборга лойиқ. Бугунги мақоламизда биз домлонинг кенг илмий фаолиятларини эмас, балким, биргина тадқиқотларини ва унинг ўзбек маданий ҳаётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилгани ҳақида сўз юритамиз.

Жамиятимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, улуғ мутафаккирларимиз фаолияти билан боғлиқ масалаларни янгича ёндашув ила тадқиқ этишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Адабиётшунос ва манбашунос олим, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновнинг шу эҳтиёжлар заминида майдонга келган «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологияк таҳлили» номли монографияси Алишер Навоий ҳаётини ўрганишда

туб сифат бурилиши ясаган илмий янгилик бўлди, десак янглишмаймиз.

Академик тадқиқотнинг муҳим фазилатлари жумласида дастлаб, унинг улуғ адиб Алишер Навоий ҳаётига муносабатда ҳалол илмий мезон асосига қурилган, бирламчи манбаларга суянилгани ҳолда янгича ёндашув билан ёзилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Алишер Навоий ҳаёти ҳақида сўз юритганда, бирламчи манбаларни четлаб ўтиш, асл моҳиятдан чекиниш, яқин ўтмиш шарқшунос ва адабиётшуносларнинг асарларини тадқиқот жараёнида бош манба қилиб олиш ва уларнинг мулоҳазалари асосида фикр юритиш ҳар доим ҳам кўзланган натижани бермайди. Келтирилган ҳар бир маълумот фақатгина асл ва илк манбаларга суянилсагина, у чин маънода илмий қийматга эга бўлади, долзарблик касб этади.

Шухрат Самариддиновичнинг мазкур монографияни яратишда сермашаққат, бироқ энг ҳаққоний йўлни танлаганлиги сезилади. Муаллиф Алишер Навоий ҳақида маълумот берувчи ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган араб ёзувида ва асосан, форс тилида битилган асл манбаларни синчиклаб ўрганиб чиққан. Ишда Хусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий, Хусайн Кошифий, Атоуллоҳ Хусайний, Бобур, Муҳаммад Хайдар Мирзо каби йигирмадан ортиқ зиёлининг саксон уч (!) қўлёзма асарининг тадқиқот доирасига тортилганлиги, уларни синчиклаб, қиёслаб, сўнгра маълумот сифатида келтирилганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Монографиянинг бу йўналишда яратилган бошқа тадқиқотлардан фарқланувчи ҳамда устунлик томони шундаки, унда улуғ шоир фаолиятига оид хабарлар берувчи асарлар жанрий хусусиятларига кўра эмас, балки мутафаккир таржимаи ҳолининг асосий жиҳатлари атрофида гуруҳлаштирилган мазмунда қиёсий типологик-текстологик таҳлилига ва маълумот муаллифларининг улуғ шоир шахсиятига ёндашуви масаласини ўрганиш учун маълумотларнинг руҳияти, моҳиятига урғу берилган. Бундай қараш Алишер Навоийнинг маълум таржимаи ҳолини акс эттирган асл маълумотларнинг XX асргача бўлган даврий ҳолатини ва ўзгарув даражасини аниқлаб олиш имконини бериш билан бирга, муаллифларнинг Алишер Навоий шахсига ва ижодига субъектив

муносабатлари ва уларнинг ифодаланиш шакллари ўрганишда кулайлик туғдирган.

Мустақилликка қадар Алишер Навоий ҳаёти жиддий ўрганилган бўлса-да, бундай ишлар ҳукмрон ғоя қолиплари ва методологик чекловлари асосида амалга оширилганлиги, ишларнинг холис, кенг қамровда олиб борилишига имкон бермаганлигига сабаб бўлган. Табиийки, ўша даврда Алишер Навоий ҳаётининг барча қирралари хусусида, унинг нақшбандия тариқатининг йирик вакили бўлганлиги, амир сифатидаги фаолияти, илм-фан, ободончилик соҳасидаги ишлари, мол-мулки, хайрия амаллари кабилар ҳақида тўлиқ ва батафсил сўз юритишнинг иложи йўқ эди. Навоийшуносликнинг тўшидан олган бундай бўғиқ муҳитда яратилган асарлар ўз даврининг маҳсули сифатида тарихдан жой олди. Уларнинг орасида шоир фаолиятни имкони қадар тарихий холислик билан ёритувчи ўзбек олимларининг айрим асарлар ҳам бор эди.

Истиклол шарофати Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини янгича ўрганишга имкон яратди. Монографияда муаллиф ҳақли равишда қайд этганидек, “XX аср навоийшунослик учун катта муваффақиятлар асри бўлди. Ўзбекистон жаҳон навоийшунослигининг марказига айланди”. Бу даврда Б. Валихўжаев, Н. Комилов, И Ҳаққулов, Ҳ. Кароматов сингари адабиётшунос олимларнинг навоийшуносликка оид салмоқли ишлари майдонга келди.

Алишер Навоий ҳақида яратилган тадқиқотларнинг дастлабкилари улуғ адиб замондошлари томонидан ижод қилинган. Бундай асарлар шоир яшаган даврдан узоқлашгани сайин, тарихчи ва котибларнинг хусусий қарашлари таъсирига тушган, давр руҳига мослаша борган. Оқибатда яна юзлаб бадийлашган, асардан асарга кўчиб юрувчи маълумотларни такрорлайдиган компилятив ишлар ҳам майдонга келган. Ишда тадқиқотчи бундай манбаларда Алишер Навоий фаолиятига оид маълумотларнинг ўзгариш даражасини аниқлаган ва асл уларни бадий тўқима ва тарихий чалкашликлардан тозалашга эришган. Асарда Навоийнинг болаликдан кексалик давригача бўлган ҳаёти, у фаолият кўрсатган муҳит, атрофдагиларга муносабати, илмий, диний-ирфоний хизматлари билан боғлиқ ғоят қизиқарли лавҳалар берилдики, улар китобхонни мумтоз даврлар очунига етаклаб киради.

Монографиянинг яна диққатга сазовор жиҳатларидан бири шуки, унда шўро даври навоийшунослигида улуғ адиб ҳақидаги тўғри талқинлар яна қўшимча тафсилотлар билан тўлдирилган, нотўғри изоҳланган маълумотларга эса асл манбаларга таянилган ҳолда тўғри муносабат билдирилган. Шунингдек, Алишер Навоий ҳаётининг бугунги кунгача тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келаётган томонларига оид янги маълумотлар эълон қилинганки, улар келгусида ўзбек адабиёти тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда, таълим тизимининг турли поғоналарига оид бугунги кун талаблари даражасидаги дарслик ва қўлланмалар яратишда муҳим қўлланма бўлишига шубҳа йўқ.

Устоз академик Валихўжаевга хос холис, ҳалол ва катта заҳмат эвазига яратилган бу китоб мумтоз адабиётимиз тарихи, Алишер Навоий даҳоси билан қизиқадиган ҳар бир зиёли кутубхонасидан фикримизча, албатта жой олиши лозим. Зеро, бундай китоблар ҳар куни яратилмайди. Алишер Навоий ҳаёти ва адабий фаолиятини асл манбалар билан қайта ва ҳаққоний тиклаган олим Шухрат Самариддиновичга келгуси илмий – ижодий, раҳбарлик ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Эркин МУСУРМАНОВ
Нурхон АЧИЛОВА



**SHAROF RASHIDOV NOMIDAGI
SAMARQAND
DAVLAT UNIVERSITETI**

**BUYUK IPAK YO'LI XABARCHISI,
THE GREAT SILK ROAD HERALD,
ВЕСТНИК ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО
ПУТИ**

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy,
nazariy-uslubiy jurnal

Mas'ul kotib I. YOQUBOV
Musahhah M. I. ABDURAXMONOVA
Sahifalovchi-dizayner B.E. MUSURMANOV



Bosishga 29.06.2023 yilda ruxsat etildi.
Qog'oz o'lchami A-4. Nashriyot hisob tabog' 5,00.
Buyurtma raqami 248 . Adadi 50 nusxa.
SamDU bosmaxona manzili: 140104, Samarqand
viloyati, Samarqand shahri, Universitet xiyoboni, 15.
Tahririyat manzili: 140104, Samarqand viloyati,
Samarqand shahri, Universitet xiyoboni, 15.

E-mail: Silk-road.samdu.uz Web-sahifa:

<http://silk-road.samdu.uz/>

Telefon: (+998 66) 240-38-43, (998) 88-285-88-00

**Maqolalarda keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar mas'ul.
Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.
Tahrir hay'ati fikri mualliflar fikridan farq qilishi mumkin.
Bir yilda 4 marta chop etiladi.**

EUROPE

(Constantinople)

Damascus

Baghdad

Samarkand

Kashgar

Hetian

